

# **Ҳар бир йигит-қиз касб әгаси бўлмоғи лозим**



Кейинги йилларда юртимида таълим тизимида улкан ислоҳотлар олиб борилмоқда. Умумтаълимнинг 11 йиллик таълим тизимининг қайта жорий этилиб, 2 йиллик касб-хунар мактабларининг жорий этилиши профессионал таълимни тизимли йўлга қўйилиши бунга яққол мисоллардан бири.

Хозирги кунда ўқувчи ёшларнинг билим олиш билан бирга касб-хунарли бўлишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада касб-хунар мактабларининг ўрни алоҳида. Ўқувчилар 9-синфни тамомлагач касб-хунар ўрганиш учун ҳар бир туман (шаҳар)да ташкил этилган касб-хунар мактабларида ўзларига ёққан йўналиш бўйича ўқишни давом эттиришлари мумкин.

Худди шундан туманда ҳам Термиз туман касб-хунар мактаби фаолият юритиб келмоқда. Тумна касб-хунар мактабида жами 383 нафар ўқувчи тахсил олади. Шундан 201 нафари бу йил мазкур билим юртинининг биринчи қалдирғочлари бўлиш арафасида. 7 та йўналиш бўйича тахсил олаётган ўқувчиларга 30 дан ортиқ педагоглар ва ишлаб чиқариш таълими усталари билим ҳамда касб-хунар ўргатиб келмоқда.

Бугун туман ҳокимлигига туман ҳокимининг ўринбосари Санжар Нуриев раҳбарлигига туман касб-хунар мактаби, Халқ таълими бўлими, Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар иттифоқи туман кенгаши масъуллари ҳамда ижтимоий тармоқ фаоллари ва “Жануб қуёши” газетаси муҳбирлари иштирокида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

Унда бугунги кунда туман касб-хунар мактабининг фаолияти, ўқувчиларга яратилган шароитлар, педагогларнинг малакаси ва касб-хунар ўргатишга масъул бўлган ишлаб чиқариш таълими усталарининг салоҳиятлари борасида сўз юритилди. Очиқ мулоқот давомида масъуллар томонидан туман касб-хунар мактаби фаолияти ҳақида маълумотлар берилиб, ўртага ташланган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Шундан сўнг, касб-хунар мактаби фаолияти, ўқув ҳамда амалий машғулотлар жараёнлари билан танишилди.















